

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MANKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 13 » декабрь 2019 у.

№ 993

Toshkent sh.

**Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 23 августдаги ПҚ–4424-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда давлат ўрмон фонди участкаларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарор 2020 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “13” декабрдаги 993-сон қарорига
илова

Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ–5742-сон Фармони ҳамда “Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 23 августдаги ПҚ–4424-сон қарорига мувофиқ давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат ўрмон фонди участкаси (кейинги ўринларда ўрмон фонди участкаси деб аталади) – давлат ўрмон фондининг бир қисми бўлиб, улар давлат ўрмон кадастрида кўрсатилган муайян чегарага, майдонга, жойлашган ерига, ҳуқуқий режимга ва бошқа хусусиятларга эга бўлади;

ижарага берувчи – Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади), Қўмита томонидан ваколат берилган ҳолларда – Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари;

ижарачи – ижарага берувчи билан ушбу Низомда белгиланган шартларда ва тартибда ўрмон фонди участкасини (унинг бир қисмини) ижарага бериш тўғрисида шартнома (кейинги ўринларда ижара шартномаси деб аталади) тузган юридик ёки жисмоний шахс;

ўрмондан доимий фойдаланувчи – ўрмон фонди участкаси доимий эгалик қилишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги ташкилоти.

3. Ушбу Низом давлат ўрмон фонди ерлари таркибига кирмаган ерларни ижарага беришда татбиқ этилмайди.

4. Мазкур Низомга мувофиқ ўрмон фонди участкалари (уларнинг бир қисми) қуйидаги шаклларда ижарага берилади:

ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган (ўрмон билан қопланмаган) ерларида янгидан барпо этилган ва камида бир йилгача бўлган муддатда парваришланган ўрмонлар жойлашган ерларни (кейинги ўринларда парваришланган ўрмонлар деб аталади) ижарага олиш ҳуқуқини кимошди савдолари асосида сотиш;

ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган (ўрмон билан қопланмаган) ерларида янгидан ўрмон барпо этиш, шунингдек, ушбу ерлардан илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация, эстетик ва экологик туризмни ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш, овчилик ва балиқчилик хўжаликлари ташкил этиш, доривор ўсимликлар ва кўчатлар етиштиришни йўлга қўйишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун;

ўрмон фонди ерларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун. Бунда ўрмон фонди участкаларини (уларнинг бир қисмини) ижарага бериш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида амалга оширилади.

5. Ўрмон фонди участкалари мазкур Низом 4-бандининг:

иккинчи ва учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда – эллик йилгача бўлган муддатга;

тўртинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда – уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмаган муддатга ижарага берилади.

6. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун ўрмон фонди участкаларини (уларнинг бир қисмини) ижарага бериш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ижарага бериладиган ўрмон фонди участкалари рўйхатини шакллантириш тартиби

8. Келгуси йил давомида ўрмон фонди участкаларини ижарага беришни ташкил этиш учун ҳар йили декабрь ойида Қўмита Ҳайъатининг қарори қабул қилинади.

Ҳайъат қарорида:

келгуси йил давомида ўрмон фонди участкаларини ижарага беришни ташкил этиш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) таркиби;

келгуси йил давомида ижарага бериш учун кимошди савдоларига қўйиладиган ўрмон фонди участкалари майдонларининг прогноз кўрсаткичлари;

келгуси йил давомида ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган (ўрмон билан қопланмаган) ерларида янгидан ўрмон барпо этиш учун Қўмитанинг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағларнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланади.

9. Ўрмондан доимий фойдаланувчилар ўрмон фонди участкасини ижарага бериш мақсадида:

ўрмон фонди участкасини хатловдан ўтказди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ўрмон фонди участкасини (унинг бир қисмини) ижарага бериш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқади;

ижарага бериш мумкин бўлган ўрмон фонди участкаси ҳудудларини ва уларнинг координаталарини аниқлайди;

таклиф этиладиган ўрмон фонди участкаларини рақамлайди;

таклиф этиладиган ўрмон фонди участкалари рўйхатини тузади;

мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ижара шаклларида қайси бирини қўллаш тўғрисидаги таклиф ҳамда унинг асосий шартларини тайёрлайди;

ўрмон фонди участкасини ижарага бериш учун зарур бўлган бошқа ахборотларни тайёрлайди.

Ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тўғрисидаги таклифлар Комиссия томонидан белгиланадиган талаблар асосида расмийлаштирилади.

10. Ижарага бериладиган ўрмон фонди участкаси имкони борича ягона мавзе бўйича, бўлинмалар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилди, ер участкаси чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа элементлар бўйича белгиланади.

Ижарага берилётган ўрмон фонди участкаси бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ерлардан фойдаланиши учун ноқулайликлар вужудга келтирмаслиги керак.

11. Ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тўғрисидаги таклифлар ўрмондан доимий фойдаланувчилар томонидан Қўмитага электрон шаклда, унинг ҳудудий органлари орқали бир ой муддатда тақдим этилади.

12. Комиссия заруратга кўра, лекин ҳар чорақда камида бир марта тақдим этилган таклифларни кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилади.

Комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади.

13. Комиссия қарорида:

ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тўғрисидаги ҳар бир таклиф бўйича ижобий ёки асослантилган салбий хулоса;

ижобий хулоса қабул қилинган таклифлар асосида шакллантирилган лотлар рўйхати;

ҳар бир лот бўйича кимошди савдолари ўтказиладиган манзил ва сана;

ҳар бир лот бўйича кимошди савдоларининг шартлари кўрсатилади.

14. Комиссия қарорига асосан, қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш кун ичида Қўмитанинг веб-сайтида, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ўрмон хўжалиги органларининг биноларида эълон осиб қўйилади.

Эълонда қуйидаги маълумотлар берилади:

ижарага берувчининг номи ва почта манзили, унинг (масъул ходимининг) алоқа телефони, электрон почта манзили;

ижарага берилаётган ўрмон фонди участкасининг рақами, тавсифи, у жойлашган жойи, ўрмондан доимий фойдаланувчининг номи;

ижара муддати;

ўрмон фонди участкасини ижарага бериш шартлари, шу жумладан ундан фойдаланиш шартлари;

талабнома шакли, тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва уларни қабул қилишнинг якуний санаси;

ижарага берувчининг хоҳишига кўра бошқа маълумотлар.

15. Комиссия томонидан асослантирилган салбий хулоса қабул қилинган тақдирда, бу ҳақида таклиф муаллифига ер участкасини ижарага бериш имкони йўқлигининг асослантирилган сабаблари кўрсатилган ҳолда беш кун ичида хабар берилади.

3-боб. Кимошди савдоларини ўтказиш ва ижара шартномаларини расмийлаштириш тартиби

16. Ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш бўйича кимошди савдолари (кейинги ўринларда кимошди савдолари деб аталади) Қўмитанинг расмий веб-сайтига тегишли эълон жойлаштирилган кундан бошлаб камида ўттиз календарь кундан кейин Комиссия томонидан ўтказилади.

17. Мазкур Низомнинг 4-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда кимошди савдолари бошланғич нархни ошириб бориш шаклида ўтказилади. Бунда:

кимошди савдоларидаги бошланғич нарх миқдори ушбу ўрмон фонди участкасида янгидан ҳимоя ўрмонлари барпо этиш, уларни камида бир йил давомида парвариш қилиш ва инфратузилма объектларини қуриш учун Қўмитанинг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан сарфланган харажатлардан кам бўлмаслиги керак;

ижара тўловининг йиллик миқдори ижара тўловининг таянч ставкаси миқдорида белгиланади.

18. Мазкур Низомнинг 4-банди учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда кимошди савдолари:

ижара тўловининг энг кам ставкасини ошириб бориш шаклида ўтказилади, бунда ижара тўловининг бошланғич миқдори ижара тўловининг энг кам ставкасидан кам бўлмаслиги керак;

қонун ҳужжатларида ижара тўлови бўйича “ноль” ставкани қўллаш назарда тутилган ҳолларда, киритиладиган инвестиция миқдорини ошириб бориш шаклида ўтказилади.

19. Кимошди савдоларида иштирок этиш тўғрисидаги талабномалар Комиссия томонидан уларнинг келиб тушиш кетма-кетлиги бўйича рўйхатга олинади.

Эълонда кўрсатилган якуний муддат тугагандан кейин келиб тушган талабномалар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

20. Талабномалар эълонда кўрсатилган санада Комиссия томонидан кўриб чиқилади. Талабгорлар (талабгор) талабномаларни кўриб чиқишда кузатувчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

21. Талабгорлар томонидан кимошди савдоларида тенг таклифлар тақдим этилган тақдирда:

ижарага бериладиган ўрмон фонди участкаси жойлашган ҳудудда яшовчи юридик ва жисмоний шахслар бошқа шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга бўлади;

ҳар икки талабгор ҳам ижарага бериладиган ўрмон фонди участкаси жойлашган ҳудудда яшаган тақдирда, нисбатан олдин мурожаат қилган талабгор устун ҳуқуққа эга бўлади.

22. Фақат бир нафар талабгордан талабнома келиб тушган ва унинг таклифи эълонда кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган тақдирда, ижара шартномаси ягона талабгор билан тузилади.

23. Эълонда кўрсатилган муддат давомида бирорта ҳам талабнома келиб тушмаган тақдирда мазкур Низомда белгиланган тартибда такроран кимошди савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон берилади.

24. Техник имкониятлар мавжуд бўлган тақдирда кимошди савдолари электрон савдо майдончалари орқали онлайн-аукционлар йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин.

25. Талабномаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома кимошди савдолари ўтказилган кунда Комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва унинг раиси томонидан тасдиқланади.

26. Ўрмон фонди участкаси уларга нисбатан ижарага берувчида ёки ўрмондан доимий фойдаланувчида:

талабгор томонидан илгари тузилган ижараси шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги;

талабгорнинг муомалага лаёқатсизлиги ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида ишончли маълумот мавжуд бўлган шахсларга ижарага берилмайди.

27. Ижара шартномалари қатъий ҳисобда турувчи, маълум серия, тартиб рақамига эга махсус бланкларда расмийлаштирилади.

28. Ижара шартномасида:

ижарага берилётган ўрмон фонди участкаси майдони;
ижара муддати;
ижара ҳақи миқдори ва уни тўлаш муддатлари;
ижарага берилётган ўрмон фонди участкаси ер турлари ва ҳолати;
ижарачининг ўрмон фонди участкасидан фойдаланиш шартлари;
ижара шартномасининг амал қилиши тўхтатилганидан кейин
ижарачининг ўрмон фонди участкасини ижарага берувчига қандай ҳолатда ва
қай тартибда қайтариши;

ижарага берилган ўрмон фонди участкаси ҳолатини сақлаш ва яхшилаш
юзасидан томонларнинг мажбурияти;

ўрмон фонди участкасидан мўлжалланган мақсадга мувофиқ ҳолда
оқилна фойдаланиш юзасидан ижарачининг мажбуриятлари назарда
тутилган қоидалар киритилади.

Ижара шартномасига томонларнинг ўзаро келишувига кўра бошқа
шартлар ҳам киритилиши мумкин.

29. Ижарага берилётган ўрмон фонди участкаси чегаралари ижара
шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланадиган далолатнома ва харитада
кўрсатилади.

30. Ижарачи ижарага олинган ўрмон фонди участкаси ҳудудидаги
ўсимлик дунёсига ўзбошимчалик билан зарар келтириши мумкин эмас,
парваришланган ўрмонлар ва ўрмон билан қопланмаган ерларда барпо этилган
ўрмонлар бундан мустасно.

31. Ижарачи ижарага олинган ўрмон фонди участкаси ҳудудидаги
ўсимлик дунёсига ўз ҳисобидан агротехник тадбирларни амалга ошириши ва
уни сақлаш бўйича харажатларни қоплаши шарт.

32. Ўрмон фонди участкасини ижарага олиш ҳуқуқи Ўзбекистон
Республикасининг ер тўғрисидаги ва ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларида
тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина гаровга қўйилиши ёки
бошқача тарзда учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин.

Ижарачи ижарага берувчини хабардор қилган ҳолда, ўрмон фонди
участқасини ижарага олиш ҳуқуқини учинчи шахсга ўтказиш (ижарачини
алмаштириш) ҳуқуқига эга. Бунда ижара шартномаси шартларига ўзгартириш
киритмаган ҳолда, ижарачини алмаштириш тўғрисида кўшимча келишув
тузилади.

33. Ўз мажбуриятларини зарур тарзда бажарган ижарачи бошқа шартлар
тенг бўлган тақдирда, янги муддатга ижара шартномасини тузишда бошқа
талабгорлар олдида устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

34. Ижарага берувчи ўрмон фонди участкасини ижарага олиш бўйича
тақдим этилган ҳужжатларни икки кун муддатда кўриб чиқиш учун
Комиссияга киритади.

35. Комиссия худудий органлар томонидан тақдим этилган хужжатларни беш кун муддатда кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса қабул қилади. Комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва барча хужжатлар нусхаси ижарага берувчиларга юборилади.

36. Ижарага берувчи Комиссия томонидан ижобий хулоса берилган талабгорга уч кун муддатда ижара шартномасини расмийлаштиради.

Бунда 5 гектаргача ўлчамда ижарага берилаётган ўрмон фонди участкаси талабгорларга Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан ваколат берилган ҳолларда – Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари томонидан расмийлаштирилади.

4-боб. Ижара тўлови ставкасини аниқлаш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

37. Ижара тўловининг энг кам ставкаси ўрмон фонди участкасининг бир гектари учун бир йилга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида ҳисобланади.

Ўрмон фонди участкасининг ер тоифасидан ва жойлашиш зонасидан келиб чиқиб, ижара тўлови ставкасини (ижара тўловининг таянч ставкасини) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$T_c = E_c * K_{ч} + E_c * K_{э} + E_c * K_{қт} + E_c * K_{т} + E_c * K_{п}$, бунда:

T_c – бир йилга бир гектар учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

E_c – бир йилга бир гектар учун энг кам ставка;

$K_{ч}$ – чўл майдони учун 0,5%;

$K_{э}$ – экин майдон учун 1%;

$K_{қт}$ – қир адир ва тоғли майдон учун 0,75%;

$K_{т}$ – тўқайзор майдон учун 0,75%;

$K_{п}$ – парваришланган ўрмонлар учун 1,25%.

Парваришланган ўрмонларни ижарага беришда ер тоифаси ва жойлашиш зонасидан қатъий назар, “ **$K_{п}$** ”дан бошқа коэффициентлар қўлланилмайди.

Қўмита Ҳайъатининг қарорига мувофиқ худуднинг ёки ўрмон фонди участкасининг ликвидлигидан келиб чиқиб, қўшимча равишда пасайтирувчи ёки ўсувчи коэффициент қўлланилиши мумкин.

38. Ижара тўлови суммаси тўлов амалга оширилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ижара тўлови тўлиқлигича Қўмитанинг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

39. Ижара шартномасида коммунал ва асосий воситалардан фойдаланиш (ижарага олиш) тўловлари, шу жумладан амортизация ажратмалари (мавжуд бўлганда) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алоҳида тўлов назарда тутилади.

40. Ижара тўлови ижарачи томонидан:

ижара шартномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида жорий йил учун 100 фоиз;

кейинги йилларда тўлов ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда ҳар бир навбатдаги давр (йил, чорак) учун 100 фоиз олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилади.

41. Ижара тўлови кечиктирилганлиги учун ундирилган пеня ва шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун жарималар суммаси ҳар ойда қуйидаги тартибда тақсимланиши лозим:

50 фоизи – Қўмитанинг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасида қолади;

50 фоизи – ўрмондан доимий фойдаланувчининг шахсий ғазначилик ҳисобварағига ўтказилади.

42. Ижарага берилган ўрмон фонди участкаларини ҳисобга олиш, уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ва реестрини юритиш Қўмита томонидан амалга оширилади.

Ижара тўлови, пеня ва жарималарнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш ўрмондан доимий фойдаланувчи томонидан амалга оширилади

5-боб. Ўрмон фонди участкасини топшириш-қабул қилиш

43. Ўрмон фонди участкасини топшириш-қабул қилиш ўрмондан доимий фойдаланувчи ва ижарачи ўртасида тузиладиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида амалга оширилади.

44. Топшириш-қабул қилиш далолатномасида:

далолатнома тузилган жой ва сана;

ижара шартномасининг реквизитлари (тузилган санаси, тартиб рақами);

ижарага берилаётган ўрмон фонди участкасидаги мавжуд бино ва иншоотлар, суғориш ва зах қочириш тармоқлари, йўл ва бошқа муҳандислик тармоқлари, дарахт ва буталар сони, ёши ва турлари;

ўрмон фонди участкасининг ҳолати кўрсатилади.

45. Топшириш-қабул қилиш далолатномаси томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади ва томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланади.

46. Ижарага берувчи ўрмон фонди участкасини ижара шартномаси шартларига мувофиқ ҳолатда ижарачига бериши, ижарачи эса ижара муддати тугагач ёки ижара шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда ёхуд ҳақиқий эмас деб ҳисобланганда, ижарага берувчига бузилган ерларни рекультивация қилиб қайтариши шарт.

47. Ижарага олинган ўрмон фонди участкасида камчиликлар аниқланган тақдирда (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари), ижарачи ўрмон фонди участкаси шартномада белгиланган муддатларда ижара шартномаси шартларига мувофиқ ҳолатга келтирилгунгача ёки етказилган зарарнинг ўрни қоплагунгача уни қабул қилиб олишни ва ўрмон фонди участкасини топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоланиши рад этишга ҳақлидир.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

48. Ўрмон фонди участкасини ижарага беришнинг ушбу Низомда кўрсатилмаган шартлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ белгиланади.

49. Ижара шартномасига мувофиқ қабул қилинган мажбуриятларни томонлар бажармаган тақдирда, улар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

50. Ўрмон фонди участкасини ижарага бериш муносабати билан пайдо бўладиган низолар суднинг ҳал қилув қарори билан ҳал этилади.

Давлат ўрмон фонди участкаларини
ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш
СХЕМАСИ

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-боскич	Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси	<p>Келгуси йил давомида ўрмон фонди участкаларини ижарага беришни ташкил этиш учун Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси (кейинги ўринларда Кўмита деб аталади) Ҳайъатининг қарори қабул қилинади.</p> <p>Ҳайъат қарорида:</p> <p>келгуси йил давомида ўрмон фонди участкаларини ижарага беришни ташкил этиш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) таркиби;</p> <p>келгуси йил давомида ижарага бериш учун кимошди савдоларига қўйиладиган ўрмон фонди участкалари майдонларининг прогноз кўрсаткичлари;</p> <p>келгуси йил давомида ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган (ўрмон билан қопланмаган) ерларида янгидан ўрмон барпо этиш учун Кўмитанинг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағларнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланади.</p>	Ҳар йили декабрь ойида
2-боскич	Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг худудий органлари	Ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тўғрисидаги таклифлар ўрмондан доимий фойдаланувчилар томонидан Кўмитага электрон шаклда, унинг худудий органлари орқали тақдим этилади.	Бир ой муддатда
3-боскич	Комиссия	<p>Комиссия заруратга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта тақдим этилган таклифларни кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилади.</p> <p>Комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади.</p>	Ҳар чоракда
4-боскич	Комиссия	Комиссия қарорига асосан, қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш кун ичида Кўмитанинг веб-сайтида, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ўрмон хўжалиги органларининг биноларида эълон осиб қўйилади.	5 кун муддатда
5-боскич	Комиссия	Ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш бўйича кимошди савдолари (кейинги ўринларда кимошди савдолари деб аталади) Кўмитанинг расмий веб-сайтига тегишли эълон жойлаштирилган кундан бошлаб камида ўттиз календарь кундан кейин Комиссия томонидан ўтказилади.	Камида 30 календарь кундан кейин

Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
6-боскич	Комиссия	Кимошди савдоларида иштирок этиш тўғрисидаги талабномалар Комиссия томонидан уларнинг келиб тушиш кетма-кетлиги бўйича рўйхатга олинади. Эълонда кўрсатилган якуний муддат тугагандан кейин келиб тушган талабномалар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.	Камида 30 календарь кун ичида
7-боскич	Комиссия	Талабномаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома кимошди савдолари ўтказилган кунда Комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва унинг раиси томонидан тасдиқланади.	Кимошди савдолари ўтган кунда
8-боскич	Ижарага берувчи	Ижарага бериладиган давлат ўрмон фонди участкасини ижарага олиш тўғрисидаги ҳужжатларни Комиссияга тақдим этади.	2 кун муддатда
9-боскич	Комиссия	Ижарага берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича хулоса қабул қилади. Комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва барча ҳужжатлар нусхаси ижарага берувчиларга юборилади.	5 кун муддатда
10-боскич	Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан ваколат берилган ҳолларда – Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари	Ижарага берувчи Комиссия томонидан ижобий хулоса берилган талабгор билан ижара шартномасини расмийлаштиради. 5 гектаргача ўлчамда ижарага берилаётган ўрмон фонди участкасини талабгорларга Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан ваколат берилган ҳолларда – Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари томонидан расмийлаштирилади.	3 кун муддатда

